

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 210-ҳадис

210 - عَبْدَ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَمَتَّعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوُدَاعِ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ، وَأَهْدَى، فَسَاقَ مَعَهُ الْهَدْيَ مِنْ ذِي الْحُلَيْفَةِ، وَبَدَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَهَلَ بِالْعُمْرَةِ، ثُمَّ أَهَلَ بِالْحَجِّ، وَتَمَتَّعَ النَّاسُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ، فَكَانَ مِنَ النَّاسِ مَنْ أَهْدَى، فَسَاقَ الْهَدْيَ، وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ يُهْدِ، فَلَمَّا قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ، قَالَ لِلنَّاسِ: «مَنْ كَانَ مِنْكُمْ أَهْدَى، فَإِنَّهُ لَا يَحِلُّ مِنْ شَيْءٍ حُرْمٍ مِنْهُ، حَتَّى يَقْضِيَ حَجَّهُ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مِنْكُمْ أَهْدَى، فَلْيَطْفِ بِالْبَيْتِ وَبِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ وَلْيَقْصِرْ وَلْيَحْلِلْ، ثُمَّ لِيَهَلَّ بِالْحَجِّ وَلِيُهْدِ، فَمَنْ لَمْ يَجِدْ هَدْيًا، فَلْيَصُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ، وَسَبْعَةَ إِذَا رَجَعَ إِلَى أَهْلِهِ»، وَطَافَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ قَدِمَ مَكَّةَ، فَاسْتَلَمَ الرُّكْنَ الْأَوَّلَ شَيْءٍ، ثُمَّ حَبَّ ثَلَاثَةَ أَطْوَافٍ مِنَ السَّبْعِ، وَمَشَى أَرْبَعَةَ أَطْوَافٍ، ثُمَّ كَرَعَ، حِينَ قَضَى طَوَافَهُ بِالْبَيْتِ عِنْدَ الْمَقَامِ كُوعَيْنِ، ثُمَّ سَلَّمَ فَأَنْصَرَفَ، فَأَتَى الصَّفَا، فَطَافَ بِالصَّفَا وَالْمَرْوَةِ سَبْعَةَ أَطْوَافٍ، ثُمَّ لَمْ يَحْلِلْ مِنْ شَيْءٍ حُرْمٍ مِنْهُ، حَتَّى قَضَى حَجَّهُ، وَنَحَرَ هَدْيَهُ يَوْمَ النَّحْرِ، وَأَفَاضَ، فَطَافَ بِالْبَيْتِ، ثُمَّ حَلَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ حُرْمٍ مِنْهُ، وَفَعَلَ مِثْلَ مَا فَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَنْ أَهْدَى وَسَاقَ الْهَدْيَ مِنَ النَّاسِ.

[خ 166، م 1227، ت 818، س 2659، د 1771، ج 2916].

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам видолашув ҳажида умрани ҳажга қўшиб баҳраландилар. Ҳадий атаб, ўша ҳадийни Зулҳулайфадан ҳайдаб бордилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аввал умра учун, сўнг ҳаж учун эҳром боғладилар. Одамлар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

васаллам билан бирга умрани ҳажга қўшиб, баҳраланишди. Одамлар орасида ҳадий атаб, уни ҳайдаб келганлар ҳам, ҳадий атамаганлар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кириб келганларида одамларга: **«Сизлардан ким ҳадий атаган бўлса, ҳажини адо этмагунича ўзига тақиқланган нарсаларнинг бирортаси унга ҳалол бўлмайди. Сизлардан ким ҳадий атамаган бўлса, у Байтни ва Сафо-Марвани тавоф қилсин, сочини қисқартирсин ва эҳромдан чиқсин! Кейин (вақти келганда) ҳажга эҳром боғласин ва ҳадий атасин. Ким ҳадий топа олмаса, ҳажда уч кун, уйига қайтганида етти кун рўза тутсин»**, дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кириб келган заҳоти (Каъбани) тавоф қилдилар ва энг аввал рукни истилом қилдилар. Кейин учта тавофни рамл қилиб, тўртта тавофни оддий юриб адо қилдилар. Байтни тавоф қилиб бўлгач, Мақом олдида икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнг салом бериб, уни тугатдилар. Сафога келиб, Сафо ва Марвада етти марта саъй қилдилар. Кейин то Наҳр куни ҳажларини тамомлаб, ҳадийни бўғизламагунларича у зотга тақиқланган нарсаларнинг бирортаси ҳалол бўлмади. Сўнг қайтиб тушиб, яна Байтни тавоф қилдилар. Шундан сўнг у зотга тақиқланган барча нарсалар ҳалол бўлди. Ҳадий атаб, етаклаб келган одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима қилган бўлсалар, шуни қилишди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

